

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АРАБ ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

4- курс талабаси Ортиқова Ирода

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу:

**“Араб тили грамматикасида бош келишикнинг ишлатилиш ўрни
(Мустафо Ғалайинийнинг "جامع الدروس العربية" асари асосида) ”**

Илмий раҳбар:
доц. Б.М.Бегматова

ТОШКЕНТ-2018

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
I БОБ. Тилшуносликда келишик категориясининг ёритилиши	
1.1. Ўзбек тили грамматикасида келишик ва унинг турлари.....	7
1.2. Араб тили грамматикасида эъроб масаласи ва эъроб турлари.....	11
II БОБ. Араб наҳвида бош келишикнинг ишлатилиши (Мустафо Ғалайинийнинг “جَامِعُ الدُّرُوسِ الْعَرَبِيَّةِ” асари асосида)	
2.1. Исмий ва феълий жумла бош бўлақларининг ифодаланиши.....	21
2.2. “кана” ва унга ўхшаш ёрдамчи феъллар, “инна” ва унга ўхшаш юкламар ҳамда "ليس" маъносидаги юкламалардан кейин бош келишикнинг ишлатилиши.....	29
ХУЛОСА	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

Тадқиқотнинг долзарблиги. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан бери ўтган йилларда таълим соҳасида, айниқса, хорижий тилларни ўрганишга эътибор кучаймоқда. Ғарб тиллари билан бир қаторда аждодларимиз бемалол сўзлаша олган ва бебаҳо асарлар яратган Шарқ тилларини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этиши барчага маълумдир. Мамлакатимиз ҳудудидан етишиб чиққан кўплаб олим-у фозиллар нафақат туркий, балки араб ва форс тилларида ҳам ижод қилишган ва бебаҳо асарлар ёзиб қолдиришган. Биргина Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида неча ўн минглаб айнан араб тили ва ёзувида битилган нодир қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланади. Уларни олиб ўқиш, таржима ва табдил қилиш ҳамда илмий фойдаланишга тайёрлаш, шу билан бошқаларни ҳам баҳраманд қилиш жуда машаққатли, аммо шарафли ишлардан ҳисобланади. Бу борада катта тажрибага эга бўлган устозлардан ўқиб-ўрганиб, уларнинг шу соҳадаги ишларини муносиб давом эттириш биз - ёшларнинг зиммамизда турган ғоят масъулиятли вазифадир. Зеро, Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов: “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”¹ деганлари бежизга эмас. Шу ўринда мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ёшларга ишонч билдириб айтган қуйидаги сўзлари ҳам диққатга сазовордир: “Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди”². Шунингдек, Президентимиз ўз сўзларини давом эттириб, мамлакатнинг келажаги бўлмиш ёшларга оид давлат сиёсатининг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 1.

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 13.

амалга оширилиши ҳақида қуйидаги сўзларни айтганлар: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”³.

Республикамиз мустақилликка эришиб буюк демократик жамият сари олға интилиб борар экан, чет тилларини жумладан араб тилини ва унинг тенгсиз гўзаллигини, унинг тарихи ва грамматикасини, қолверса ҳозирги замонда унинг дунё тилларидан бири сифатида чуқур ўзлаштириш, долзарб вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Бизнинг “Араб тили грамматикасида бош келишикнинг ишлатилиш ўрни (Мустафо Ғалайинийнинг "جامع الدروس العربية" асари асосида)” битирув малакавий ишимиз ҳам араб наҳвида энг муҳим ўринни эгалловчи мавзулардан биридир, десак хато қилмаймиз. Чунки, гап сўзлардан ва иш-ҳаракатни ифодаловчи феъллардан ташкил топади. Уларни бир-бири билан боғлашда эса албатта турланиш яъни флексиянинг ўрни беқиёсдир. Ишимиз жараёнида биз араб тили грамматикасида келишик категорияси, жумладан бош келишик, уни ишлатилиш ўрни ва шу келишикда ифодаланувчи гап бўлакларини ўзбек, рус ва араб наҳвшуносларининг асарлари орқали таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси тўғрисида гапириш лозим бўлса, айтишимиз мумкинки, ўзбек арабшуносларидан Б.З.Холидов⁴, Н.Иброҳимов, М.Юсупов⁵, Э.Талабов⁶,

³ O`sha asar. – Б. 14.

⁴Холидов Б.З. Учебник арабского языка. -Т.: Ўқитувчи, 1977..

⁵ Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. I, II. Ж. –Наманган: Ибрат, 2009.

⁶ Талабов Э. Араб тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992.

А.Абдужабборов⁷, рус арабшуносларидан В.Э.Шагаль⁸, Звегинцев В.А.⁹, А.А.Ковалёв, Т.Ш.Шарбатов¹⁰лар ушбу мавзуни ўз асарларида ёритиб берганлар, бироқ бу манбаларда мавзуга оид қоидаларнинг ҳаммаси қамраб олинмаган. Илмий манба сифатида ёзилган Б.М.Гранденинг “Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении” асарида эса араб тилида эъроб масаласи, флексияга оид қоидалар анчагина кенгроқ ёритилган, аммо илмий изланишлар жараёнида, яъни тадқиқотнинг асососий манбарида мавзуга оид бизлар учун янгилик ҳисобланган талайгина қоидаларнинг мавжудлигининг гувоҳи бўлди.

Тадқиқот манбалари. Илмий ишни ёзишда ўзбек ва рус арабшунослари Э.Талабовнинг “Араб тили”, Н.Иброҳимов, М.Юсуповнинг “Араб тили грамматикаси”, А.Абдужабборовнинг “Араб тили”, Б.М.Гранденинг “Курс арабской грамматики в сравнительно— историческом освещении” номли асари, Ғ.А.Абдурахмонов, Ш.Ш.Шоабдурахмонов, А.П.Ҳожиёвларнинг “Ўзбек тили грамматикаси”, Х.Абдурахмоновнинг “Ўзбек тилининг амалий грамматикаси” номли асарларидан, ҳамда соф арабий манбалар, жумладан, араб нахви олимлари Мустафо Ғалайинийнинг "الدروس النحوية" номли, Ҳифни Носифнинг "جامع الدروس العربية" номли грамматикага оид асаридан ва бошқа бир неча манбалардан фойдаландик.

Тадқиқот объекти сифатида араб нахвида бош келишик ва бу келишикнинг қўлланилиш ўрни белгиланди.

Араб тили грамматикасида бош келишикда ифодаланувчи гап бўлақларининг тадқиқи эса, **тадқиқот ишининг предмети** қилиб белгиланди.

Илмий ишнинг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишимиздан кўзланган мақсад араб тилида бош келишик, унинг қўшимчалари, бу келишикнинг араб нахвида тутган ўрни ва аҳамиятини тилшунослик

⁷ Абдужабборов А. Араб тили. –Т.:Тошкент ислом университети, 2007.

⁸ Шагаль В.Э. Учебник арабского языка. -М.: Политиздат, 1981.

⁹ Звегинцев В.А. История арабского языкознания. Краткий очерк. -М.: МГУ, 1958

¹⁰Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. -М.:Вост.лит. РАН, 1998.

нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ҳамда ўзбек ва рус арабшунослари, шунингдек, араб наҳвшунослари асарларида бу мавзу қандай ёритилганини қиёслаб ўрганишдан иборат. Ушбу мақсадимиз қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади:

1.Ўзбек тили грамматикасида келишиқ масаласининг ёритилиши тўғрисида маълумот бериш;

2.Араб тили грамматикасида эъроб масаласи ва унинг турларини ёритиш;

3.Бош келишиқда турувчи исмлар ҳақида маълумот бериш;

4.Исмий ва феълий жумла бош бўлдаларининг қўлланилиш ўрнини ёритиш;

5.“кана” ёрдамчи феъли ва “инна” юкламасидан кейин бош келишиқнинг ишлатилишини тадқиқ қилиш;

6.Хулосаларга илмий, амалий ва назарий жиҳатдан ёндашиш ва араб тилининг ўзига хос хусусиятларини кенг ёритиш.

Илмий ишнинг тузилиш. Мазкур иш кириш, 2 боб, тўрт фасл, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 46 бет.

I БОБ. Тилшуносликда келишик категориясининг ёритилиши

1.1. Ўзбек тили грамматикасида келишик ва унинг турлари

От туркуми учун хос асосий ва доимий грамматик категориялар сон ва келишик категориясидир. Чунки аффикс олмаган ҳолда ҳам отлар сон ва келишик маъносини ифодалайди, масалан, *китоб*, *бола* сўзларини оладиган бўлсак, улар бирлик сон, бош келишикда турибди. Бу икки категориядан ташқари яна эгалик категорияси мавжуд, аммо у эгалик маънони билдирувчи аффикс қўшилсагина ифодаланади: *шаҳрим*, *шаҳарларимиз* каби. Демак, биз тадқиқ қилаётган масала келишик категорияси от сўз туркуми учун хос асосий категория экан.

Ўзбек тили грамматикасида келишик категорияси от ва отлашган сўзларнинг бошқа сўзлар билан грамматик алоқасини кўрсатишга хизмат қилади, шу сўзларнинг гапдаги вазифасини белгилайди. Отнинг келишик аффиксини олиб ўзгариши турланиш, бу аффикслар турловчи аффикслар дейилади.

Отнинг келишик билан турланиши маъно талаби билан бўлади. Чунки от келишик формасида келиб, гапда бошқа сўзлар билан грамматик алоқаларга киришади, маълум синтактик вазифани бажаради: *Муҳайё касалхонадан чиқиб*, *тўғри ўз уйига борди*. *Унинг фаолиятида янги*, *фақат унга алоқадор ишлар бошланмоқда эди*¹¹.

Келишик категорияси олти шаклнинг системаси билан шаклланади, уларнинг ҳар бири маълум маънолар комплексини ифодалайди. Бу шакллар: бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, чиқиш келишиги, ўрин-пайт келишиги. Ҳар бир келишик бир неча маънони англатади, шунга кўра маълум бир келишикдаги сўз гапда турли гап бўлаги вазифасида келади. Аммо келишик маъноларидан бири асосий маъно ҳисобланади, келишик шу асосий маъносига кўра номланади. Масалан, чиқиш келишиги шаклидаги от феъл билан боғланиб, предмет, ҳаракатнинг

¹¹ Турсунов У., Мухторов А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.259.

чиқиш ўрни белгисини англатади. Бу унинг асосий маъно ва вазифасидир. Масалан: Али Қушчи бир лаҳза иккиланиб тургач, дарвозадан чикди. (О.Ё.) .

Ҳар бир от махсус аффикс билан ифодаланади. Лекин отнинг келишик аффиксини олмаган шакли ҳам бошқа бошқа келишикларга нисбатан алоҳида шакл ҳисобланади. Келишик шакллари воситасида бир сўзнинг бошқа бир сўз билан тобе алоқаси ифодаланади. Жумладан, бош келишикдаги от бошқа сўзни ўзига тобелаш орқали муносабатга киришади. Шунинг учун у асосий келишик дейилади. Қолганлари эса бир сўзни бошқа сўзга тобелаш орқали боғлайди ҳамда воситали келишик дейилади¹². Масалан: *Покиза ақл инсонни айб ва камчиликлардан қутқаради* (У.Маҳкамов).

Бу гапда *ақл* сўзи бош келишик шаклида *қутқаради* сўзига нисбатан ҳоким ҳолатда, *инсонни* сўзи -ни тушум келишигида келиб, *қутқаради* феълига тобе, *айб* (дан), *камчиликлардан* сўзлари -дан чиқиш келишикда келиб, улар ҳам *қутқаради* феълига тобе бўлиб келган.

Келишик категорияси, асосан, от туркумига хос бўлиб, улар от типли сўзлар, яъни олмош, ҳаракат номи, жамловчи соннинг баъзи кўринишларига ҳам бевосита қўшила олади: *Менга, сендан, кимни, нимани, барчага, ўқишга, бешовимизга каби.*

Келишик аффикслари сифат, сон ва улар ўрнида ишлатиладиган олмошлар, феълнинг сифатдош шакли, баъзи алоҳида ёрдамчи сўзлар гуруҳига қўшилганда, уларни отлаштиради. Бошқача айтганда, келишиклар отлашадиган сўзлар билан фақат синтактик вазифа талабига кўра бирикади: *Яхшидан от қолади, ёмондан дод.* (Мақол)

Бирни кессанг ўнни эк. (Мақол)

1) Бош келишикда келган от умуман шахс, предмет, воқеа-ҳодисаларнинг номини атайди, гапда, асосан, эга вазифасини бажаришга мос шаклда бўлади.

¹² Турсунов У., Мухторов А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.260.

Бош келишикда келган отнинг келишик қўшимчаси йўқ, яъни нол кўрсаткичли шаклда бўлади. Бош келишик шаклидаги от ким? нима? ва қаер? сўроқларидан бирига жавоб беради.

Бош келишикда келган отлар гапда турли вазифаларда келади:

а) асосан эга вазифасини бажаради:

Ҳимматлилик ўзининг саховати, меҳр-муҳаббати билан одамлар калбига сингиб кетади. (У. Махкамов)

б) кесим вазифасида келади: Тошкент-тинчлик шаҳри.

Шунингдек, изоҳловчи, сифатловчи, ундалма вазифаларида ҳам келиши мумкин.

2) Қаратқич келишиги бирор предметнинг шу келишикдаги отдан англатилган предметга ёки шахсга қарашли эканлигини ифодлайди. Қаратқич келишигида келган от кимнинг? ниманинг? қаернинг? каби сўроқлардан бирига жавоб беради, -нинг қўшимчаси орқали шаклланади¹³. Масалан: *Ҳақназар отанинг кўп яхшиликларини кўрганман.*

Қаратқич келишигида келган от икки хил белгили ёки белгисиз шаклда қўлланади. Белгили шаклда қўлланган от -нинг қўшимчаси билан ифодаланади: Бу ғўзанинг чанокларидан астойдил меҳнатнинг самараси кўриниб турибди. (И.Р.)

Белгисиз шаклда қўлланган от -нинг қўшимчаси билан ифодаланмайди: Дарё сувини баҳор тоширар, Одам кадрини меҳнат оширар. (Мақол) Қаратқич келишигида келган отлар гапда асосан қаратувчи вазифасида келади¹⁴.

3) Тушум келишигида келган от иш-ҳаракатни ўз устига олган предметни англатади. Тушум келишигида келган от кимни? нимани? қаерни? каби сўроқлардан бирига жавоб бериб, -ни қўшимчасини қўшиш орқали шаклланади¹⁵.

Масалан: Водийларни яёв кезганда, бир ажиб ҳис бор эди менда (Х.О.)

¹³ Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшунослик асослари. –Т.: Иқтисод-молия нашрети, 2007. –Б. 129.

¹⁴ Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.266.

¹⁵ Анданиёзова Д.Р., Анданиёзова Г.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Мухаррир, 2012. –Б. 122.

Баъзан шеърятда тушум келишиги қўшимчаси -н, -ни шаклида ҳам қўлланади: олмазорлар гулин тўкади, Сева боғлаб шохин букади. (Х.О.)

Тушум келишигида келган от доимо феъл билан боғланади ва гапда воситасиз тўлдиручи вазифасини бажаради.

Масалан: Онангни бошингда тутсанг, Синглигни кафтингда тут (Мақол)

Тушум келишиги 2 хил - белгили ёки белгисиз шаклда қўлланади: Белгили шаклда қўлланган от -ни қўшимчаси билан ифодаланади. Белгисиз шаклда қўлланган от -ни қўшимчаси билан қўлланмайди.

Масалан: Носиров Саидани узоқдан кўриши билан ўрнидан турди (А.Қ.) Гул туфайли тикан сув ичар (Мақол)

4) Жўналиш келишиги шу келишикдаги отдан англашилган предметнинг иш-ҳаракат йўналтирган ўрин, вақт, сабаб ёки иш-ҳаракатнинг бажар (қаратқич келишик)илишида восита эканлигини англатади¹⁶.

Жўналиш келишигида келган от кимга? нимага? қаерга? қачон? нега? каби сўроқларидан бирига жавоб беради. -га (-ка, -қа) қўшимчалари билан шаклланади. Масалан: Қуёш гуллар юзини шуьллларга белади. (У) Маслаҳат Абдурасулнинг ҳалойикқа нима дейиши лозимлиги устида бўлди (П.Т.)

Жўналиш келишигида келган отлар гапда асосан, ўрин, пайт, сабаб ҳоллари вазифасида келади.

5) Чиқиш келишигидаги сўз шахс ва предметнинг чиқиш ўрни, ҳаракат ва ҳолатнинг бошланиш нуқтаси каби маъноларни ифодалайди. Ҳозирги адабий тилимизда бу келишикнинг аффикси –дан бўлиб, кимдан?, нимадан?, қаердан?, қачондан? сингари сўроқлардан бирига жавоб бўлади: У дўстидан худди шу далдани кутиб турган эди. (М. Исм.)

Бу келишикда келган сўз воситали тўлдирувчи, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ва равиш ҳоллари вазифаларида келиши мумкин¹⁷.

¹⁶ Абдурахмонов Ҳ. (ва бошқалар). Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992. –Б. 205.

¹⁷ Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.273.

б) Ўрин-пайт келишигининг шакли –да аффикси бўлиб, бу келишикдаги сўз кимда?, нимада?, қаерда?, қачон? каби сўроқларга жавоб бўлади: Улар ҳалиги чол билан хайрлашиб, машиналарда кетишди. (А. Мух.)

Ўрин-пайт келишигидаги сўзлар гапда тўлдирувчи, ўрин, пайт, равиш, сабаб ҳоллари вазифасида келиши мумкин¹⁸.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ўзбек тили грамматикасида турланиш от сўз туркумида содир бўлар экан. Отнинг келишик аффиксларини олиб ўзгариши турланиш, бу аффикслар эса турловчи аффикслар, деб номланар экан. Келишик категорияси олти шаклнинг системаси билан шаклланади, уларнинг ҳар бири маълум маънолар комплексини ифодалайди.

1.2. Араб тили грамматикасида эъроб масаласи ва унинг турлари

Араб ва ўзбек тиллари учун турланиш ҳодисаси таниш. Ушбу ҳодиса ҳар иккала тилда ҳам от, яъни исм сўз туркумида юз беради. Исmlар келишиклар ёрдамида турланади. Грамматик тил билан айтганда, келишик категорияси от ёки отлашган сўзларнинг бошқа сўзлар билан грамматик алоқасини кўрсатишга хизмат қилади, шу сўзларнинг гапдаги вазифасини белгилайди. Отнинг келишик аффиксларини олиб ўзгариши турланиш, бу аффикслар эса турловчи аффикслар дейилади.

Малумки араб тилида келишик тушунчаси аслида йўқ, лекин бизнинг арабшунос олимларимиз биз талабалар учун қулайликлар туғдириб араб тили грамматикасини ўзбек тили грамматикасига қиёслаб тушунтириб беришда келишик сўзини қўллайдилар. Араб тили грамматикасида ушбу масала эъроб-флексия мавзусида ўрганилади. Энди араб тилшуносларининг флексияга берган таърифларига тўхталиб ўтсак. Жумладан, ўрта асрларнинг

¹⁸ Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.315.

машҳур тилшунос олими Маҳмуд Замахшарий (1075-1144) “Ал-Унмузаж фин-наҳв” асарида флексияга шундай таъриф беради:

"الإعراب هو اختلاف آخر الكلمة باختلاف العوامل. اختلاف الآخر اما باحركات... و اما

بالحروف".¹⁹

“Омиллар ўзгариши сабабли сўзларнинг охирида юз берадиган ўзгариш “эъроб” дейилади. Сўз охиридаги ўзгариш ё ҳаракатларда бўлади ёки ҳарфларда намоён бўлади”.

Шайх Мустафо Ғалайиний ҳам бу фикрни тасдиқлаб:

فالإعراب: أثر يحدث في آخر الكلمة، بعد انتظامها في الجملة، فيكون آخرها مرفوعاً أو منصوباً أو مجزوماً، حسب ما يقتضيه موقعها في الجملة، مثل: "رجل" من قولك جاء رجلٌ، رأيتُ رجلاً، و مررتُ برجلٍ، و مثل: "تذهب" من قولك: "تذهب، و لن تذهب، و لا تذهب".²⁰

“Эъроб –жумладаги вазифасига қараб, сўз охирида рўй берадиган ҳодисадир. Сўзнинг охири жумладаги вазиятга қараб, даммаланган (مرفوعاً) ё фатҳаланган (منصوباً) ёки касраланган (сукунланган) (مجزوماً) бўлиши мумкин”.

Араб наҳвчилари сўзларни охирини ўзгаришига кўра икки гуруҳга ажратиб ўрганадилар. Улар мабний (турланмайдиган مبني) ва муъроб (турланадиган معراب) сўзлардир. Агар сўз бошқа бир сўзга боғлиқ бўлса, ёки ўзидан аввал бирор бир предлог келсаю, у ўз кўринишини ўзгартирмаса, яъни сўзнинг охирги ҳаракати ўзгармаса, бундай сўзлар ўзгармас дейилади ва улар умуман ўзгармайдиган сўзлардир. Акси бўлса, бундай сўзлар ўзгарадиган дейилади. Биз ўрганаётган ушбу илмий иш бевосита муъроб (турланадиган) яъни келишик билан боғлиқдир.

Рус арабшуноси В.П.Старинин: “Араб грамматик назарияси асосли равишда [феъл] майлларни [исмларнинг] турланишига тенглаштиради: дарак майли бош келишикка мос келади (умумий белгиси – “у”), истак майли тушум келишигига мос (умумий белгиси – “а”), шарт майли эса сукунга

¹⁹ محمود الزمخشري. الانموذج في النحو. ص. 2.

²⁰ الشيخ مصطفى غلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993، ص. 22.

тугуса, қаратқич келишиги касра (-и)га тугаши билан бошқаларидан фарқланади²¹, -дея маълумот берган.

Яна бир рус арабшуноси Б.М.Гранде ҳам бу фикрларни тасдиқлаб шундай дейди: “Флексия, яъни сўзлардан сўнгги унлилар (إِعْرَابٌ) эъроб) масаласида араб тилшунослари феълнинг имперфект шаклини келишик шакллари билан битта тизимга соладилар. Сўзларнинг сўнггида келиши мумкин бўлган тўртта тугалланма, яъни - у (дамма), - а (фатҳа), - и (касра) ва –(сукун) феъл ва исмда учрайди. Исм сўз туркуми улардан учтасига эга бўлади.

Исмнинг даммага тугалланиши, яъни бош келишик жумладан бирор-бир бошқа сўзга боғлиқ бўлмайди. Худди шундай дарак майлидаги феъл ҳам жумладан бирор-бир феъл ёки юкламага боғлиқ бўлмаган ҳолда қўлланилади.

Исмнинг фатҳага тугалланиши, яъни тушум келишиги асосан жумлада келган феъл ёки баъзи юкламаларга (أَنَّ، إِنَّ) боғлиқдир. Истак майли ҳам бир қатор феъллардан кейин келадиган юкламаларга боғлиқдир.

Шундай қилиб, икки вазиятда ҳам رَفْع ҳолатида мустақил шаклни, نصب ҳолатида эса муайян бирикмаларни тушуниш мумкин.

Исмнинг ва феълнинг учинчи шакли фарқли. Исм бошқа бир сўз ёки предметга боғлиқ ҳолда қаратқич келишигида турса, яъни касрага тугаса, феъл эса бундай шаклга эга эмас. Исмдан фарқлироқ сукунга тугайди. Араб тилида исм сукунли қўшимча билан тугамайди.²²

Ўзбек арабшуносларидан А.Абдужабборов эса ўзларининг “Араб тили” номли асарларида келишикларда турланишни “эъроб” деб номлаб уларга қуйидагича таъриф берганлар:

Араб тилида уч келишик бор:

Бош келишик-حَالَةُ الرَّفْع –фақат эга ва от-кесимларни ифодалаш учун ишлатилади.

²¹Носирова М.Н. Махмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузж фи-н-нахв” рисоласи. –Т., 2005. –Б.90.

²²Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М., 1998. –С. 159-160

қаратқич келишиги-حالة الجرّ –кўмакчилардан кейин ва мослашмаган аниқловчини ифодалаш учун ишлатилади.

Тушум келишиги-حالة النصب –тўлдирувчи ва ҳолларни ифодалаш учун, бош ва қаратқич келишиги ишлатилмайдиган ҳамма ҳолатларда ишлатилади²³.

Ҳурматли устозимиз А.Абдужабборовнинг юқоридаги асарларида феълнинг тусланиши ҳам эъроб, деб берилган ва майлларда тусланишга таъриф беришдан аввал қуйидаги маълумотларни келтириб ўтганлар:

Араб тилида ҳозирги-келаси замон феълларининг орт қўшимчалари исмларники каби турли омиллар таъсирида ўзгаради. Шаклдаги ана шу ўхшашлик ва мазмундаги айрим хусусиятларнинг бир хиллигига кўра араб тилшунослари ҳозирги-келаси замон феълларини "الأفعال المضارعة للاسم – *исмга ўхшаш феъллар*" деб аташади. Сўзларнинг орт қўшимчалари ўзгариши, яъни исмларнинг келишикларда турланиши ва ҳозирги-келаси замон феълларининг “майл”ларда тусланиши араб тилшунослигида "الإغراب – эъроб" дейилади.

Эъробнинг турли ҳолатларини ўзбек арабшунослигида "келишик", "майл" атамалари билан тушунтириш шартли равишда қабул қилинган. Аслида эъроб ҳолатлари "келишик" , "майл" тушунчаларидан фарқ қилади²⁴.

Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики араб тилидаги “эъроб” тушунчаси от ва феъл сўз туркумларининг иккисига ҳам барабар қўлланилар экан. Аммо, бу тилда ҳам бизнинг она тилимиздаги каби турланиш ва тусланиш масаласини аниқ англатувчи термин мавжуд. Агар гап исмларнинг келишикда ўзгариши ҳақида кетаётган бўлса, “эъробу-л-исм” термини, агар феълларнинг замон ва майлларда ўзгариши ҳақида бўлса “эъробу-л-феъл” термини ишлатилади. Мана шу терминларга қараб сўзларнинг келишикда турланиши масаласи ёки феълларнинг тусланишини ажратиб олиш мумкин экан.

²³ Абдужабборов А. Араб тили. – Т.: ТИУ, 2007. - Б. 81-82.

²⁴ Ўша асар. - Б. 191-192.

Келтирилган қоидалардан кўриниб турибдики, араб тилида учта келишиқ мавжуд экан, яъни араб тилида исм гуруҳига кирувчи сўзлар уч келишиқ бўйича турланади ва улар: бош келишиқ, қаратқич келишиғи ва тушум келишиғи. Келишиқлар ўзига ҳос қўшимчаларга эга ва бу қўшимчалар отнинг гапдаги бажараётган вазифаси билан узвий боғлиқ. Бундай турланиш уч келишиқли турланиш дейилади ва шу йўсинда турланувчи сўзлар уч келишиқли сўзлар дейилади.

Араб тилида от ва сифатларнинг асосий қисми уч келишиқли сўзлар ҳисобланади ва улар юқоридаги жадвал асосида турланади. Булар ноаниқ ҳолатда танвин қўшимчаси билан тугайдиган бирлик ва синиқ кўпликдаги сўзлардир. *اجنحة*, *اقلام* (бирлиги *قلم*), *قلوب*, *مدينة*, *معهد*, *دفتر*, *كلية* (бирлиги *قلب*), *جنح* (бирлиги *جنح*) каби сўзлар шулар жумласидандир²⁵

Хулоса қиладиган бўлсак, араб тилида исм билан боғлиқ бўлган сўз охиридаги ўзгаришлар ўзбек тили грамматикасида келишиқлар сифатида юритилар экан, феълнинг эъроб (келишиқ)ланиши эса, ўзбек тилида феъл майллар мавзусида тилга олинади. Бизнинг мавзуимиз араб ва ўзбек тилларидаги келишиқ масаласини қиёсий таҳлили хусусида бўлганлиғи сабабли, биз араб тилида келишиқнинг фақат исм билан боғлиқ жиҳатларинигина қиёслаб таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб кўйдик.

Араб наҳвчилари эъробу-л-исм (келишиқ) яъни келишиқ аломатларини икки гуруҳга ажратишган. Булар аслий (ҳақиқий) ва фаръий (ортирма) деб номланган²⁶.

Келишиқларнинг аслий аломатларини биз юқорида келтириб ўтдик. Улар сўзларнинг охирини дамма, касра, фатҳалаш билан кўзга яққол кўриниб туради.

Фаръий (ортирма) аломатлари деб, сўзнинг иккилик, тўғри кўпликда “вов, ёй, алиф ва касра” билан турланишига айтилади.

²⁵ Иброҳимов Н., Юсупов М.. Араб тили. I Ж. –Наманган: Ибрат, 2009. – Б. 97.

²⁶ www.arabic.uz

Флексия бўйича аслий аломатлар ёрдамида ўзгарадиган исмларнинг эъроб кўринишлари бир неча турга бўлинади ва уларнинг энг кўп учрайдиганлари қуйидагилар:

الأَوَّلُ: الْمُفْرَدُ الْمُنْصَرَفُ الصَّحِيحُ، مِثْلُ: «زَيْدٌ».

1. Охирги ўзаги иллатли ҳарф бўлмаган ҳамда учта келишик бўйича турланадиган бирликдаги исмлар. Масалан: زَيْدٌ. Бундай сўзлар аслий аломат, яъни ҳақиқий кўрсаткичларга эга.

وَالثَّانِي: الْمُفْرَدُ الْمُنْصَرَفُ الْجَارِي مَجْرِي الصَّحِيحِ، مِثْلُ: «دَلُوْ».

2. Охирги ўзаги иллатли “و - вов” ёки “ي - йой” ҳарфларидан иборат бўлиб, улардан олдинги ҳаракат сукунли бўлган ҳамда учта келишик бўйича турланадиган бирликдаги исм. Масалан: دَلُوْ.

وَالثَّالِثُ: الْجَمْعُ الْمَكْسَرُ الْمُنْصَرَفُ، مِثْلُ: «رِجَالٌ».

وَتَرْفَعُ هَذِهِ الثَّلَاثَةُ وَاعْلَامُهُ رَفْعِيًّا: الضَّمَّةُ، وَتَنْصَبُ وَاعْلَامُهُ نَصْبِيًّا: الْفَتْحَةُ، وَتَجْرُ وَاعْلَامُهُ جَرًّا: الْكُسْرَةُ، كَمَا فِي «جَاءَنِي زَيْدٌ وَدَلُوْ وَرِجَالٌ»، وَ«رَأَيْتُ زَيْدًا وَدَلُوْ وَرِجَالًا»، وَ«مَرَرْتُ بِزَيْدٍ وَدَلُوْ وَرِجَالٍ».

3. Учта келишик бўйича турланадиган синик кўпликдаги исм²⁷. Масалан: رِجَالٌ.

Юқорида санаб ўтилган учта турдаги исмларнинг барчаси учта келишик бўйича турланади ва улар бош келишикда “дамма” билан, тушум келишигида “фатҳа” билан, қаратқич келишигида эса “касра” билан ҳаракатланади, масалан: бош келишик: جَاءَنِي زَيْدٌ وَدَلُوْ وَرِجَالٌ - Меникига Зайд, челақ ва кишилар келди.

Тушум келишиги: رَأَيْتُ زَيْدًا وَدَلُوْ وَرِجَالًا - Мен Зайдни, челақни ва кишиларни кўрдим.

Қаратқич келишиги: مَرَرْتُ بِزَيْدٍ وَدَلُوْ وَرِجَالٍ - Мен Зайд, челақ ва кишиларнинг ёнидан ўтдим²⁸.

Фаръий аломатлар ёрдамида эъробланадиган сўзлар таркибига қуйидагилар киради ва улар икки келишикли исмлар ҳисобланади:

²⁷ Саййид Шариф Журжоний. Нахви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.36.

²⁸ فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. – مصر. – ص. 59.

Исмларнинг иккилик сон шакли. У бирликдаги сўз охирига ¹ алиф ва ن нун ҳарфларини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Бунда алифдан олдинги ҳаракат *фатҳали* ва нуннинг ҳаракати эса *касрали* бўлади, яъни “*تَان*” қўшимчаси қўшилади. Масалан: رَجُلَانِ (икки эркак). “*تَان*” қўшимчаси иккиликдаги исм бош келишикда эканлигини ифодалайди. Агар иккиликдаги исм тушум ёки қаратқич келишигида бўлса, унга *йой* (олдинги ҳаракати *фатҳали*) ва *касрали* ن нун, яъни *تَانِ* қўшимчаси қўшилади. Масалан: رَجُلَيْنِ (икки эркакни ёки икки эркакнинг).

Исмларнинг тўғри кўплик шакли. Исмлардан тўғри кўплик ҳосил қилинганда, унинг бирликдаги шакли ўзгаришсиз қолади ва у икки турга бўлинади:

1. جَمْعُ الْمَذَكَّرِ - тўғри музаккар кўплик

2. جَمْعُ الْمُؤَنَّثِ - тўғри муаннас кўплик

فَجَمْعُ الْمَذَكَّرِ: مَا أَلْحَقَ بِآخِرِهِ وَأَوْ مَضْمُومٌ مَا قَبْلَهَا، أَوْ يَاءٌ مَكْسُورٌ مَا قَبْلَهَا، وَتُونٌ مَفْتُوحَةٌ فِي آخِرِهِ، مِثْلُ: «مُسْلِمُونَ» وَ«مُسْلِمِينَ»، [وَيُسَمَّى جَمْعُ الْمَذَكَّرِ السَّالِمَ].

Тўғри кўплик музаккар жинсдаги исмларнинг охирига гоҳида *вов* ва *нун*, гоҳида *йой* ва *нун* қўшиб ясалади. Биринчи ҳолатда *вов*дан олдинги ҳаракат *дамма*, нуннинг ҳаракати эса *фатҳа* (яъни “*تُون*” тарзида) бўлади ва бу бош келишикни ифодалайди²⁹. Масалан: مُسْلِمُونَ

Иккинчи ҳолатда эса, *йой*дан олдинги ҳаракат *касра*, нуннинг ҳаракати эса *фатҳа* (яъни “*تَيْن*” тарзида) бўлади ва у тушум ҳамда қаратқич келишикларининг ифодалайди. Масалан: مُسْلِمَيْنِ

وَجَمْعُ الْمُؤَنَّثِ: مَا أَلْحَقَ بِآخِرِهِ أَلِفٌ وَتَاءٌ، مِثْلُ: «مُسْلِمَاتٌ»، [وَيُسَمَّى جَمْعُ الْمُؤَنَّثِ السَّالِمَ].

Тўғри муаннас кўпликдаги исмларнинг охирига *алиф* (ундан олдинги ҳаракат *фатҳа* бўлади) ва *та* (кўплик *таси* ва унинг ҳаракати *танвин даммадир*) қўшилади³⁰. Масалана: مُسْلِمَاتٌ.

جَمْعُ الْمُؤَنَّثِ السَّالِمِ؛ رَفَعُهُ بِالضَّمَّةِ، وَنَصَبُهُ وَجَرُّهُ بِالْكَسْرِ، مِثْلُ: «هُنَّ مُسْلِمَاتٌ» وَ«رَأَيْتُ مُسْلِمَاتٍ» وَ«مَرَرْتُ بِمُسْلِمَاتٍ».

²⁹ الشیخ مصطفى الغلايينی. جامع الدروس العربیة. - بیروت، 1993. - ص، 30

³⁰ Ўша асар. - Б. 32.

Тўғри муаннас кўпликдаги исмлар икки келишликли ҳисобланади, чунки уларнинг қаратқич келишиги шакли тушум келишигидаги билан бир хил бўлади. Демак, тўғри муаннас кўпликдаги исмлар бош келишикда “дамма” билан, қаратқич ва тушум келишигида “касра” билан ҳаракатланади. Масалан: *هُنَّ مُسْلِمَاتٌ* - Улар муслималардир (бош келишик), *رَأَيْتُ مُسْلِمَاتٍ* - Муслималарни кўрдим (тушум келишиги), *مَرَرْتُ بِمُسْلِمَاتٍ* - Муслималарнинг ёнидан ўтдим (қаратқич келишиги).

Шуни айтиб ўтишимиз керакки, тўғри музаккар ва тўғри муаннас кўпликдаги исмлар ҳамда иккиликда турган сўзлар ҳох аниқ, ҳох ноаниқ бўлсин юқоридаги каби икки келишликда турланаверади, яъни уч келишликка айланмайди. Араб тилшунослигида яна шундай икки келишликли исмлар борки, улар гоҳида, айрим сабабларга кўра уч келишликли бўлиб қолиши ҳам мумкин ва улар “ғайру мунсариф” деб номланади. “Ғайру мунсариф”ни ўзбек тилига келишликларда тўлиқ турланмайдиган сўзлар деб таржима қилсак бўлади. “тўлиқ турланмайдиган” иборасининг маъносини эса танвин кўшимчасисиз келадиган, қаратқич келишигида бўлсада, тушум келишигининг кўрсаткичи бўлган “фатҳа” билан ҳаракатланадиган сўзлардир. Бундай сўзларга «عُمَرُ» ва «أَحْمَرُ» ва «طَلْحَةُ» ва «زَيْنَبُ» кабилар киради. Бу сўзларнинг эъроб кўрсаткичлари ҳам аслийдир. Масалан: *جَاءَ عُمَرُ, رَأَيْتُ عُمَرَ, مَرَرْتُ بِعُمَرَ.*

Икки келишликли исмларга устозимиз А.Абдужабборов ўзларининг асарларида қуйидагича таъриф берганлар: Баъзи исмлар «ال» артикли бўлмаган ҳолда танвин даммага эмас, дамманинг ўзи билан тугайди. Масалан: *أحمد*-Аҳмад, *طشقند*-Тошкент, *علماء*- олимлар, *جرائد*-газеталар. Уларнинг қаратқич келишиги шакли тушум келишигидаги билан бир хил бўлади. Бундай исмларни «икки келишликли» дейилади. Икки келишликли исмга «ال» ёки мослашмаган аниқловчи қўшилса, уч келишликли бўлиб қолади. Иккилик ва тўғри кўпликдаги исмларнинг қаратқич ва тушум

келишиги шакллари ўхшаш бўлади³¹. Араб тилида икки келишикли отларга қуйидаги сўзлар киради:

1. Синиқ кўпликнинг қуйидаги формалари:

(ا) فَوَاعِلُ — حَوَادِسُ - فَوَارِسُ
(ب) فَعَالِلُ — مَنَازِلُ - قَنَاطِرُ
(ت) فَعَالِيلُ — سَلَاطِينُ - قَوَانِينُ
(ث) فَعَانِلُ — جَزَائِرُ - رَسَائِلُ

2. Ёга туговчи сўзлар:

- a. Синиқ кўпликнинг қуйидаги қолиплари:

أَفْعَلَاءُ — أَصْدِقَاءُ فُعَلَاءُ — وَزَرَاءُ

- b. Муаннас бирликдаги сифат ва отлар:

صحراءُ - بيضاءُ

3. Қолипидаги сўзлар: فَعْلَى - فِعْلَى - فُعْلَى

غَضَبِي - دِكْرِي - كُبْرِي (دُنْيَا)

- Ёки синиқ кўпликнинг فَعَالَى - فَعْلَى қолипидаги сўзлар;

كَسَالِي - قَتَلِي

4. Муаннас жинси فُعْلَى ёки فَعَلَاءُ қолипли فَعْلُ қолипидаги сифатлар:

احْمَرُ - حمراءُ

أكْبَرُ - كُبْرِي

5. Муаннас жинси فُعْلَى қолипли فَعْلَانُ қолипидаги сўзлар:

كَسْلَانُ - كَسَلِي

6. Сўзнинг охири муаннас жинсига тугаган аёллар атоқли отлари:

زَيْنَبُ - فَاطِمَةُ

7. Шаҳар мамлакат дарё номлари:

دَجْلَةُ - حَلَبُ - مَصْرُ

8. Эркакларнинг атоқли отлари:

طَرَفَةُ - طَلْحَةُ - билан тугаган

عِمْرَانُ - سُلَيْمَانُ - га тугаган

ابراهيم - يوسف - Арабча бўлмаган исмлар

³¹ Абдужабборов А. Араб тили. – Т.: ТИУ, 2007. - Б. 81-82.

d. Феъл қолипларига ўхшаш исмлар- يَزِيدُ - شَمْرُ - احمد

e. عَمْرُ (عَامِرُ) қолипига ўтиб қолган сифатлар- فعال ва فعل

مصطفى بخارا، موسكو، каби чўзиқ «а» ёки «у» унлиси билан тугаган исмлар
келишикларда ўзгармайди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики араб тилида исм сўз туркумига кирувчи сўзлар учта келишик бўйича турланар экан. Булар бош, тушум ва қаратқич келишиклари бўлиб, уларнинг ҳар бирини ўз кўрсатгичи ва гап таркибида келиш ўрни мавжуд экан. Яна шундай сўзлар ҳам бор эканки, улар икки келишикда турланувчи сўзлар деб аталар экан. Икки келишикли сўзларнинг тушум ва қаратқич келишикларининг кўрсаткичлари бир хилда бўлгани учун улар шундай деб номлангандир.

II БОБ. Араб наҳвида бош келишикнинг ишлатилиш ўрни

2.1. Исмий ва феълий жумла бош бўлақларининг ифодаланиши

Араб тили грамматикасида исм сўз туркумига тааллуқли сўзлар учта келишикда турланади. Сўзларнинг орт қўшимчалари ўзгариши, яъни исмларнинг келишикларда турланиши араб тилшунослигида “الإعراب – эъроб” деб аталади ва унинг учта тури мавжуд. Улар رفع , نصب ва جرّ деб номланади. Араб тилида келишик тушунчаси “ҳолат” деб юритилади ва حالة – бош келишикни, حالة النصب - тушум келишигини, حالة الجرّ - қараткич келишигини ифодалайди. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги олтита келишик араб тилида учта келишикда ифодаланган.

Мазкур келишиклардан энг биринчиси бўлган рафъ, яъни бош келишик сермахсул ҳисобланади.

Маълумки, ўзбек тилида бош келишикдаги сўз ким? нима? сўроқларининг бирига жавоб бўлади ҳамда махсус морфологик кўрсаткичи мавжуд эмас. Араб тилида эса, унинг кўрсаткичи аниқ ҳолатда дамма бўлса, ноаниқ ҳолатда танвин даммадир. Бу унинг ҳақиқий аломати бўлса, фаръий, яъни орттирилган кўрсаткичлари ҳам мавжуд. “تَان” қўшимчаси иккиликдаги исм бош келишикда эканлигини ифодаласа, “تُون” тўғри кўплик музаккар жинсдаги отларни англатади.

Араб тилида бош келишикда ифодаланувчи исмларни машҳур тилшунос олим Маҳмуд Замахшарий икки турга бўлганлар ва улар қуйидагича таъриф берганлар:

“ألفوعات على ضربتين: أصل و ملحق به. فالأصل هو الفاعل

Бош келишикдаги исмлар икки турга бўлинади ва улар асл ҳамда аслига ўхшаш исмлардир. Асл бош келишикдаги исм бу фоъил (феълий жумланинг эгаси)дир.

"والمالحق به خمسة أضرب: المبتدأ و خبره, الاسم في باب "كان", الخبر في باب "إن", خبر "لا" لنفي الجنس, اسم "ما" و "لا" بمعنى "ليس". "

Аслига ўхшаш бош келишикдаги исмлар эса бешта бўлиб, уларга

мубтада (от-кесимли гапнинг эгаси), хабар (от-кесим), "كان"нинг исми, "إن"нинг хабари, "لا" мутлоқ инкор юкламасининг хабари, "ليس" маъносидаги "ما" ва "لا" нинг исми³²

Бош келишикда ифодаланувчи исмлар борасида араб тилшуносларининг карашлари Махмуд Замахшарийнинг фикридан фарк қилмайди. Масалан, Ҳифни Носиф, Аббос Ҳасан, Фуъад Неъмат каби наҳвшунослар ҳам ўз асарларида исмлар олти ўринда рафъ ҳолати, яъни бош келишикда ишлатилишини айтиб ўтганлар ва улар фоъил ва ноибу фоъил, мубтадо, хабар, "كان"нинг исми, "إن"нинг хабари, "لا" мутлоқ инкор юкламасининг хабари, "ليس" маъносидаги "ما" ва "لا" нинг исми эканлигини таъкидлаб ўтганлар³³. Аммо бу наҳвшунослар аз-Замахшарий каби уларни асл ва аслига ўхшаш каби турларга бўлмаганлар.

Бош келишикнинг ишлатилиш ўрни яна бир машҳур наҳвшунос олим Мустафо Ғалайинийнинг "جَامِعُ الدُّرُوسِ الْعَرَبِيَّةِ" номли асарида ҳам кенг ёритилган. Олим ўзининг бу асарида юқоридаги тилшунослардан фарқли равишда, исмлар тўққиз ўринда бош келишикда ишлатилишини айтиб уларга қуйидагича таъриф берган:

"مرفوعات الاسماء تسعة: الفاعل , نائبه , المبتدأ , خبره , اسم الفعل الناقص , اسم احرف "ليس", خبر الحرف المشبهة بالفعل, خبر "لا" النافذة للجنس و التابع للمرفوع".

Исмлар тўққиз ўринда бош келишикда ифодаланади ва улар, фоъил, ноъибу фоъил, яъни унинг ўринбосари, мубтадо ва унинг хабари, ноқис феълнинг исми, "ليس" юкламаларининг исми, феълга ўхшаш юкламаларнинг хабари, "لا" мутлоқ инкор юкламасининг хабари ва бош келишикдаги исмга тобе бўлган сўз³⁴.

Юқорида биз араб тилида исм олти ўринда, Мустафо Ғалайиний фикрича эса тўққиз ўринда бош келишикда туриши ҳақида маълумот бердик. Шундан учтаси исмий ва феълий жумланинг бош бўлакларига ҳамда мажхул

³² محمود الوخشري. الانموذج في النحو. - ص. 18.

³³ حفنى ناصف. محمد دياب. مصطفى طوم. محمد صالح. الدروس النحوية. مصر: دار العقيد، 2007

³⁴ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. -ص، 199.

даражадаги феъл-кесим билан ифодаланган жумладаги “ноибу-л-фоил, яъни эганинг ўринбосари” деб номланувчи гап бўлакларига тўғри келади.

Энди бу бўлакларнинг ҳар бирига тўхталиб ўтамиз ва буни фоъил, яъни феъл-кесимли гап эгасида бошлаймиз, чунки асл бош келишикдаги исм бу фоъил ҳисобланади.

Араб тилида кесими феъл билан ифодаланиб, гапнинг бошида келган жумла феълий, деб номланади ва унинг кесими “феъл”, эгаси эса “фоъил”, деб номланади. Феълий гапнинг эгаси доим бош келишикда туради. Наҳвшунослар жумланинг бу турига қуйидагича таъриф берадилар:

فالأصل هو الفاعل. و هو على نوعين:

1 - مُظْهَرٌ، مِثْلُ: «ضَرَبَ زَيْدٌ».

2 - وَمُضْمَرٌ بَارِزٌ، مِثْلُ: «ضَرَبْتُ»؛ وَمُضْمَرٌ مُسْتَتَرٌ، مِثْلُ: «زَيْدٌ ضَرَبَ»، فَاعِلٌ «ضَرَبَ» هُوَ

مُسْتَتَرٌ فِيهِ

1. Асл бош келишикдаги исм бу фоъил (феълий жумланинг эгаси)дир ва у икки турга бўлинади:

1) Аниқ, кўриниб турувчи. Масалан: **ضَرَبَ زَيْدٌ** - Зайд урди. Бу гапда иш-ҳаракатни бажараётган эга Зайд ва у аниқ кўриниб турибди.

2) Аниқ олмош билан ифодаланган бўлиши мумкин. Масалан: **ضَرَبْتُ** - Мен урдим. Бу жумлада **ضَرَبْتُ** феълидаги “**ت**” қўшимчаси она тилимизддаги “мен” кишилиқ олмошига тўғри келади. Шунингдек, фоъил яширинган олмош билан ҳам ифодаланган бўлиши мумкин. Масалан: **زَيْدٌ ضَرَبَ** - Зайд урди. Бу жумлада **ضَرَبَ** урди феълининг фоъили яширинган ва бу “**هُوَ**”, яъни “у” олмошидир. Демак, мана шу олмош бу гапнинг фоъили, яъни эгаси ҳисобланади³⁵.

Кўриб турганимиздек фоъил доимо бош келишикда ифодаланади. Масалан:

حَفِظَ مُحَمَّدٌ الْكِتَابَ - Муҳаммад китобини ёдлади.

يَطْلُبُ الْعَاقِلُ الْعِلْمَ - Оқил илм талаб қилади,

³⁵ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.50.

Ушбу жумлаларда “оқил” (инсон) ва “Муҳаммад” сўзлари эга-фоъил бўлиб у бош келишикда турибди.

Мустафо Ғалайиний ҳам ўзининг “جَامِعُ الدُّرُوسِ الْعَرَبِيَّةِ” асарида фоъил ҳақида юқоридаги каби маълумотларни келтириб ўтган ва уларга қўшимча тарзда қуйидаги етти ўринда ишлатилиши мумкинли ҳақида батафсил маълумот берган:

- 1) Фоъил доимо бош келишикда ифодаланади;
- 2) У доимо феъл-кесимдан кейин туради. Масалан: ضَرَبَ زَيْدٌ - Зайд урди, каби. Аммо, زَيْدٌ ضَرَبَ - Зайд урди, каби баъзи жумлаларда фоъил яширинган олмош билан ифодаланади ва у “هُوَ” , яъни “у” олмошидир. Жумладаги “Зайд” сўзини кўпчилик фоъил, деб ҳам аташи мумкин, аммо бу наҳв қоида­сига кўра тўғри эмас. Чунки жумла исм билан бошланса у исмий жумла ҳисобланади ва унинг эгаси фоъил эмас, мубтадо, деб аталади. Шунинг учун ҳам бу ерда “Зайд” мубтадодир;
- 3) Баъзи жумлаларда фоъил аниқ баён этилмайди, чунки жумладаги феъл унга далолат қилади. Масалан: لا يشرب خمره هين يشربها و هو مؤمن – Вино ичи­лаётганда уни ичмаган мўъминдир. Бу жумлада “ла йашрабу” феъли фоъилга далолат қилаяпти ва у ҳам рафъ ҳолатида ифодаланган;
- 4) Жумлада фоъил берилади, аммо уни феъл-кесими тушиб қолган бўлади. Бундай ҳолат кўпинча инкор гапга берилган жавобда учрайди. Масалан: بلى سعيد - Йўқ Саъид: ما جاء احد؟ - Ҳеч ким келмадими?
- 5) Фоъил бирлик, иккилик, кўпликда ифодаланмасин, унинг феъли бир кўринишда ифодаланади. Масалан: اجتهد التلميذ، التلميذان، تلاميذ ;
- 6) Аслида жумлада аввал феъл, сўнга фоъил ва ундан кейин мафъул келиши керак. Аммо баъзи жумлаларда фоъилдан олдин мафъул келиши мумкин. Бунда фоъил кечиккан ҳисобланади. Масалан: اكرم المجتهد استاذه – Тиришқоқни устози ҳур­мат қилди.;
- 7) Агар фоъил муаннас бўлса, унинг феъли ўтган замонда феъл охирига “суқунли та” қўйиш билан, ҳозирги-келаси замонда эса феъл ол­дига

“та” олд қўшимчасини қўйиш билан муаннасда ифодаланади. Масалан: جاءت فاطمة - Фотима келди. تذهب زينب - Зайнаб кетаяпти.

2. Бош келишикда ифодаланувчи бўлақлардан яна бири бу, ноибу-л-фоъилдир. Гапнинг бу бўлаги ўзбек тилига “эганинг ўринбосари” ёки “гапнинг грамматик эгаси” деб икки хил таржима қилинади³⁶.

Ноибу-л-фоъил ҳам наҳвга оид манбаларда бош келишикнинг ифодаланиш ўрни мавзусида ёритиб ўтилади ва унга тилшунослар куйидагича таъриф берганлар:

Маълумки, гапнинг феъл кесими аниқ даражадаги ўтимли ёки ўтимсиз феъл билан ифодаланши мумкин. Ўтимли феъл (аниқ даражадаги) гапда воситасиз тўлдирувчини талаб қилади ва гапнинг бу иккинчи даражали бўлаги тушум келишигида туради. Масалан: ضَرَبْتُ زَيْدًا مَشْدُودًا - Зайдни боғланган ҳолида урдим. Жумладаги “Зайдни” сўзи воситасиз тўлдирувчи бўлиб, тушум келишигида ифодаланган. Энди ушбу жумладаги феълни мажҳул даражага қўйсак, воситасиз тўлдирувчи тушумда эмас бош келишикда ифодаланади ва у ноибу-л-фоъилга айланади. Араб тили грамматикасида мажҳул даражадаги феъл ўтимли бўлса, унинг воситасиз тўлдирувчиси гапнинг грамматик эгаси - ноибу-л-фоъил вазифасини бажаради, деган қоида мавжуд³⁷. Масалан:

ضَرَبَ زَيْدٌ يَوْمَ الْجُمُعَةِ - Зайд жума куни саваланди. Бу жумладаги “Зайд” сўзи мажҳул даражадаги феъл таъсирида ноибу-л-фоъилга айланди ва шунинг учун бош келишикда ифоданган.

Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, жумла аслида эга ва кесим билан тўлиқ ҳисобланади. Мана шу тўлиқ бўлган жумла таркибидан тушум келишигида турувчи исмлар ҳам ўрин олиши мумкин. Шунинг учун ҳам араб наҳвчилари уларга “тушум келишигидаги сўзлар қўшилмалар”, яъни иккинчи даражали бўлақдир, деб таъриф берадилар. Бу сўзларнинг тушумда ифодаланишига албатта феъл омил ҳисобланади. Энди худди мана

³⁶ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. -ص. 210.

³⁷ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.50.

шу феъл ўз нисбатини ўзгариши билан тушумда турган исмни бош келишикда туришига сабаб бўлади.

Исмларнинг келишигига таъсир қилувчи феълларга мажхул даражадаги феъллар ҳам киради. Араб тили грамматикасида мажхул даражадаги феъл эга (фоъил)нинг ўрнига ўз воситасиз тўлдирувчисини бош келишикда ва қолган бўлакларни тушумда туришини талаб қилади³⁸. Масалан:

ضَرْبَ زَيْدٍ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، أَمَامَ الْأَمِيرِ، ضَرْبًا شَدِيدًا، فِي دَارِهِ، تَأْدِيبًا، وَالْخَشَبَةَ -Зайд жума куни ўз ҳовлисида, амир олдида, одоб бериш мақсадида ёғоч билан қаттиқ саваланди. Ушбу жумладаги “Зайд” сўзи “саваламоқ” ўтимли феъллини мажхул нисбатга ўзгариши натижасида бош келишикда ифодаланган. Демак, мажхул даражадаги феъл фақат битта тўлдирувчига ўз таъсирини ўтказар экан.

Агар мажхул даражадаги феъл ўтимсиз бўлса (албатта унинг воситасиз тўлдирувчиси ҳам бўлмайди), гапнинг эгаси бўлмайди. Бундай гаплар ўзбек тилида “шахси топилмайдиган ёки шахси номаълум гап” деб аталади.

Мустафо Ғалайиний эса ноъибу-л-фоъил борасида қуйидаги маълумотларни бериб ўтган: ноъибу-л-фоъил мажхул даража феълидан кейин келган эга (ўрин босари) ёки мажхул даража феълига ўхшаш сўзлардан ташкил топган бўлакдир. Мажхул даража феълига ўхшаш сўз, деганда мана шу феъл ўзагидан ҳосил бўлган сифатдош назарда тутилади. Масалан: يُكْرَمُ - тиришқоқ мақталади, десак бу ерда “المجتهد” – тиришқоқ сўзи ноъибу-л-фоъилдир, чунки у мажхул даража феълдан кейин турибди.

المحمود حلقه ممدوح - Мақтанилган, унинг ҳулқи мақтовга лойиқдир, жумласида эса “мақтанилган” ҳамда “унинг ҳулқи” сўзлари ноъибу-л-фоъил, чунки улар мажхул даража феълнинг сифатдошидир.

Юқоридаги маълумотлардан шуни хулоса қилсак бўладики, феълнинг аниқ даражаси иштирок этганида воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажарган сўз, мана шу феълни мажхул нисбатга ўзгариши билан ноъибу-л-

³⁸ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.50.

фоъил вазифасини бажаради. Шунинг учун ноъибу-л-фоъилни фоъили (эгаси) тушириб қолдирилган жумлада унинг васифасини бажарувчи бўлак, дея оламиз³⁹.

Мустафо Ғалайиний ўз асарида фоъилнинг тушиб қолиш сабаблари ҳамда фоъил ўрнида келиши мумкин бўлган бўлакларга ҳам батафсил тўхталиб, уларнинг барчаси бош келишиқда ифодаланишини айтиб ўтган.

3. Исмий жумланинг эгаси (мубтадо) ва кесими (хабар).

Араб тилида гапнинг асосий таркиби, яъни синтактик бирликнинг структураси феълий ва исмий бўлишига кўра жумла икки хил бўлади: исмий ва феълий⁴⁰. Агар гапнинг кесими феълдан бошқа сўз туркуми – от, сифат, олмош, сон билан ифодаланган бўлса исмий жумла дейилади⁴¹. Бундан кўриниб турибдики, бу жумла ўзбек тилидаги от-кесимли гапга тўғри келади.

Мазкур жумланинг бош бўлаклари мубтадо ва хабар деб номланиб, бош келишиқда ифодаланади.

Араб тилшунослари жумланинг бу турига қуйидагича таъриф берганлар:

وإما أن تتعقد من اسمين فيسمى الأول مبتدأ والثاني خبرا. ويجب فيهما الرفع، مثال ذلك: البستان مثمر، والشجرُ مورق، والمطر غزير، والجو معتدل، وما أشبه ذلك من كل جملة تركبت من اسمين ابتدئ بأحدهما وأخبر عنه بالآخر.

Икки исмдан тузилган жумладаги биринчи исм эга (мубтадо), иккинчиси эса кесим (хабар) дейилади. Эга (мубтадо) ва кесим (хабар) доим рафъ, яъни бош келишиқ ҳолатида бўлади. Масалан: Боғ мевалидир, дарахт барглидир, ёмғир кўпдир, ҳаво мўътадилдир жумлаларидаги каби⁴².

Агар, *боғ мевалидир*, жумласини ўзбек тилида таҳлил қиладиган бўлсак “*боғ*” сўзи бош келишиқда турганига гувоҳ бўламиз. Қолган жумлаларда ҳам шундай ҳолатни кўришимиз мумкин. Демак, *боғ, дарахт, ёмғир, ҳаво* сўзлари

³⁹ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. -ص. 211.

⁴⁰ Қосимова С. Хамидуддин Даририйнинг “Муқаддима” асари: матн ва тадқиқ. –Т.: ТошДШИ, 2014. –Б. 102.

⁴¹ ⁴¹ Абдужабборов А. Араб тили. –Т.: ТИУ, 2007. –Б. 74..

⁴² الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. -ص. 216.

гапда эга (мубтадо) вазифасида, кейинги сўзлар эса от-кесим (хабар) вазифада келган ва улар ҳам бош келишикдадир.

Юқорида биз Махмуд Замахшарий мубтадо ва хабарни аслига ўхшаш бош келишикдаги исмлар сирасига киргазганини кўрдик. Бунга сабаб мубтадодан олдин эгага таъсир қилувчи юкламалар келса у тушум келишигида ифодаланади, демак ўз келишигини ўзгартиради. Хабар ҳам худди шундай. Агар исмий жумла таркибида *كان و أخواتها* - “Бўлмоқ” ва “айланмоқ” феъллари гуруҳига кирувчи феъллардан бирортаси келадиган бўлса, хабар ҳам ўз келишигини ўзгартиради ва тушум келишигида ифодаланади. Кўриниб турибдики ҳар икки бўлак бош келишикда ҳам тушум келишигида ҳам ифодаланиши мумкин.

Араб тилшунослари гап бўлакларининг маълум бир келишикда ифодаланиши албатта, бирор омил сабабидандир, деб маълумот берадилар ва уларни лафзий ҳамда маънавий омилларга бўладилар⁴³. Ўз навбатида улар ҳам бир неча турга бўлинади, масалан, лафзий омилнинг учта тури мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳарфлар, яъни олд кўмакчилар ёки юкламалар.
2. Феъллар.
3. Исмлар.

Маънавий омил эса икки турга бўлиниб, биринчиси “ал-ибтида” ёки исмни лафзий омиллардан ҳоли бўлиши, деб номланса, иккинчиси ҳозирги-келаси замон феълининг насб (истак майли) ва жазм (шарт майли)да туришини талаб қилувчи юклама ва олмошлардан ҳоли бўлиши, деб аталади.

Исмга таъсир қилувчи маънавий омил “ибтидо” деб номланади ва у қуйидагича ифодаланади:

Ибтидо (жумланинг бошида келиш). Бунда исм юқорида келтирилган лафзий омиллардан ҳоли бўлади. Ибтидо – жумла бошида келиш мубтадо, яъни эга ва хабар - от-кесимни бош келишикда туришини талаб қилади. Масалан: *زَيْدٌ قَائِمٌ* - Зайд (тик) турибди (турувчидир). Бу жумлада

⁴³ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.56

زَيْد мубтадо – эга бўлиб, жумла бошида келгани учун бош келишикда турибди. قَانِم сўзи эса, исмий жумланинг хабари, яъни от-кесим бўлиб, жумла бошида келгани учун бош келишикдадир. Бу борада яна бошқа иккита карашлар бор:

1) Ибтидо – жумла бошида келиш, мубтада – эга учун омил бўлса, ўз ўрнида мубтадо хабар –от-кесим учун омилдир. Бунда сўз мубтадо бўлиб гап бошида келгани учун рафъ ҳолатда бўлса, хабарни бош келишикда ифодаланишига мубтадо сабабдир.

2) Эга ва от-кесимнинг ҳар бири ўзаро бир-бирларига омилдирлар⁴⁴.

Юқоридаги маълумотлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, исмий (от-кесимли) жумланинг эгаси гап бошида тургани учун бош келишикда турибди, чунки унга ҳеч нарса ўз таъсирини ўтказа олмайди, от-кесимнинг бош келишикда туришига эса эга омилдир.

2.2. “кана” ва унга ўхшаш ёрдамчи феъллар исми, "ليس"

маъносидаги юкламалар ҳамда “инна” ва унга ўхшаш юкламалардан кейин бош келишикнинг ишлатилиши

Ушбу бобнинг аввалги бўлимида бош келишикда ифодаланувчи фоъил, ноъибу-л-фоъил, мубтадо ва хабар каби гап бош бўлакларни таҳлилини амалга оширдик, бу парагрфда эса Маҳмуд Замахшарий таърифлари билан айтганда “аслига ўхшаш бош келишик”да ифодаланувчи гап бўлакларига тўхталиб ўтамиз. Бу бўлаклар таҳлилини “кана” ва унга ўхшаш ёрдамчи феъллардан бири иштирок этган жумладаги исмлар билан бошлаймиз.

Араб тилида كان و أخواتها - “Бўлмоқ” ва “айланмоқ” феъллари гуруҳига кирувчи феъллардан кейин келадиган эга, яъни мубтадо бош келишикда, от-кесим эса, насб ҳолатида келади. Бу гуруҳга кирадиган феълларнинг ичида كان феъли энг кўп қўлланиладиган ёрдамчи феъллардан ҳисобланади.

⁴⁴ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.58.

кан феълнинг маъноси “бўлмоқ” дир. Ўзбек тилидаги “бўлмоқ” феъли каби араб тилида ҳам бу феъл икки вазифани бажаради⁴⁵.

1. Мустақил феъл вазифасини бажаради. Масалан:

Кеча мен қишлоқда (бўлган) أمس كنت في القرية

эдим

У кеча у ерда бўлган эди كان هناك أمس⁴⁶

2. От ёки сифат билан бирга келиб, ўтган (ёки келаси замонда) ифодаланиб, қўшма кесимнинг ёрдамчи феъли вазифасини бажаради. Бунда ёрдамчи феъл билан келган от-кесим (от ёки сифат билан ифодаланган) ноаниқ ҳолатда эга билан жинсда ва сонда мослашган ҳолда насб ҳолатида келади. Ушбу гапнинг мубтадоси эса бош келиликда туради. Шунинг учун
- كان و أخواتها - “Бўлмоқ” ва “айланмоқ” феъллари гуруҳига кирувчи феъллардан кейин келадиган эга бу феълларнинг “исми”, от-кесим уларнинг “хабари”, деб номланади. Масалан:

Биз ўқувчи бўлган эдик كنا تلاميذا

Талаба касал эди كان الطالب مريضاً

Мустафо Ғалайинийнинг «جَامِعُ الدُّرُوسِ الْعَرَبِيَّةِ» асарида “бўлмоқ” ва “айланмоқ” феъллари гуруҳига кирувчи феъллар الافعال الناقصة – “Ноқис феъллар” деб номланиб “Бош келишиқда ифодаланадиган исмлар” мавзусида баён қилинган. Бу феълларнинг ноқис деб аталиши, уларнинг семантик хусусиятидан келиб чиққан. Уларнинг маъно жихатидан “ноқислиги” ёрдамчи феъл вазифасида келганида намоён бўлади. Шунингдек, бу феъллар мустақил ҳолда ишлатилганда “тўлиқ” маънога эга бўладилар. Ёрдамчи феъл вазифасида келганда, улар исмни ҳам, феълни ҳам бошқарадилар.

Исмни бошқариб келган ёрдамчи феъллар қуйидагилар: ما, كان, أضحى. ليس, أمسى, ما أنفك, ما فتى, أصبح, ما برح, بات, ما زال, ظل, صار, دام. Бу феъллар ёрдамчи феъл вазифасида келганида, исмни ҳам, феълни ҳам бошқарадилар. Агар бу феъллар исмий гап таркибида фақат эга (мубтада) билангина келса, гап

⁴⁵ Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. – Т., 1999. – Б. 77.

⁴⁶ Шагаль В.Э., Меренин М.И. Учебник арабского языка. – М., 1983. – С. 130.

тугалланмаган ҳисоланади. Жумла тугалланган бўлиши учун албатта гапнинг от-кесими (хабар) ҳам бўлиши ва у тушум келишигида ифодаланиши шарт. Акс ҳолда, жумла тугалланмаган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу феъллар “ноқис феъллар” деб номланган⁴⁷.

Ушбу феъллар исмий жумла таркибида ишлатилганида, муснад илайх, яъни эга (мубтада)ни бош келишикда ва муснадни, яъни от-кесим (хабар)ни тушум келишигида туришини талаб қилади. Масалан: *Зайд тик турган эди*. *كان زيد قائما* нинг исми бўлгани учун бош келишикда, *زيد* сўзи унинг кесими бўлгани учун тушум келишикда турибди. Қолган феъллар ҳам шунга ўхшаш⁴⁸. Бу маълумотлардан шуни хулоса қиладиган бўлсак, ёрдамчи феъл вазифасида келган “бўлмоқ ва айланмоқ” феъллари мубтадони бош келишикда, от-кесимни насб ҳолати, яъни тушум келишигида туришини талаб қилади.

Мустафо Ғалайиний ноқис феъллар таркибига яна “أَفْعَالِ الْمُقَارَبَةِ” - муқораба феълларини ҳам киритиб ўтган ва улар ҳам *كان* феъли каби исмий жумла эга ва кесимига таъсир ўтказишини айтиб қуйидаги маълумотларни келтирган:

اعْلَمْ، أَنَّ أَفْعَالَ الْمُقَارَبَةِ أَرْبَعَةٌ: عَسَى، وَكَادَ، وَكَرَبَ، وَأَوْشَكَ.
وَهَذِهِ الْأَفْعَالُ تَدْخُلُ عَلَى الْجُمْلَةِ الْإِسْمِيَّةِ، مِثْلُ: «كَانَ»؛ فَتَرْفَعُ الْإِسْمَ، وَتَنْصِبُ الْخَبَرَ، إِلَّا أَنَّ خَبَرَهَا يَكُونُ فِعْلًا مُضَارِعًا مَعَ أَنْ، مِثْلُ: «عَسَى زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ»، أَوْ بِلَا أَنْ، مِثْلُ: «عَسَى زَيْدٌ يَخْرُجُ».

Маълумки, муқораба феъллари тўрттадир ва улар қуйидагилар: *عَسَى، وَكَادَ، وَكَرَبَ، وَأَوْشَكَ*.

Ушбу феъллар *كَانَ* ва унга ўхшаш феъллар каби ёрдамчи феъл вазифасида келади ва асосий феълга қўшимча маъно беради, яъни иш-ҳаракатнинг бажарилиш арафасида турганлигини (*كَادَ* ва *أَوْشَكَ*) ёки амалга ошиш эҳтимоли борлигини (*عَسَى*) билдиради. Агар муқораба феъллари исмий жумла таркибида келса (шу ўринда кесими феъл билан ифодалансада, эгадан кейин турган гап ҳам араб наҳвида худди кесими исм билан

⁴⁷ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. - بيروت، 1993. - ص. 232.

⁴⁸ Ўша асар. - Б. 231.

ифодаланган жумла каби “исмий жумла” деб номланишини эслатиб ўтишимиз керак) **كَانَ**га ўхшаб эгани бош келишикда, ҳозирги-келаси замонда турган кесимни **أَنْ** юкламаси билан насб ҳолатида, яъни истак майлида туришини талаб қилади⁴⁹. Масалан: **عَسَى زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ** - Эҳтимол Зайд чиқиб қолар (чиқар). Гапда **أَنْ** юкламаси тушиб қолиши ҳам мумкин. Масалан: **عَسَى زَيْدٌ يَخْرُجَ** - Эҳтимол Зайд чиқиб қолар.

“**لَيْسَ**” маъносида ишлатиладиган юкламалар ҳам исмий жумланинг мубтадосини бош келишикда, хабари-от-кесимини тушум келишигида туришини талаб қилади. Бундай юкламаларга қуйидагилар киради: **لَيْسَ** га ўхшаш **لَا** ва **لَا** (**لَا** ва **لَا** ҳам). Улар **لَيْسَ** нинг вазифасини бажарадилар. Шу ўринда **لَيْسَ** феълининг ўзи ҳақида маълумот бериб ўтадиган бўлсак, **لَيْسَ** от-кесимни тушум келишигида туришини талаб қилувчи ёрдамчи феълдир. У фақат от-кесимга таъсир қилади, исмий гапнинг эгаси эса бош келишикда туради. Бу кўмакчи феъл бўлишли гапнинг кесими билан қўшма кесим ҳосил қилиб, гапга бўлишсизлик маъносини беради.

Қўшма кесимнинг от қисми тушум келишигида бўлади. Масалан:

سليم ليس طالبا – Салим талабадир → **سليم ليس طالبا** – Салим талаба эмас.

Бўлишсизликни таъкидлаш учун қўшма кесимнинг от қисмига «**بـ**» кўмакчиси қўшилиши мумкин:

خالد ليس بغيبى → **خالد ليس غيبا** - *Холид нодон эмас*;

زَيْنَب ليست بغيبية → **زَيْنَب ليست غيبة** - *Зайнаб нодон эмас*.

“**لَيْسَ**” феъли кўмакчили кесим билан бирикканида унинг келишигини ўзгартирмайди:

1) **الحم ليس في الثلاجة** → **الحم ليس في الثلاجة** - *Гўшт совутгичда эмас*;

2) **الخبز ليس على المائدة** → **الخبز ليس على المائدة** - *Нон дастурхонда эмас*⁵⁰.

⁴⁹ الشيخ مصطفى الغلايينى. جامع الدروس العربية. - بيروت، 1993. - ص. 243.

⁵⁰ Абдужабборов А. Араб тили. - Т.: ТИУ, 2007. - Б. 106.

ма юкламаси لَيْسَ ўрнида ишлатилиши мумкин. Бунда у ҳам мубтадо-
эгани бош келишида, от-кесимни тушумда келишини талаб қилади. Шунинг
учун бу юкламадан кейин келган мубтадо унинг исми, от-кесим хабари, деб
номланади. Масалан: مَا زَيْدٌ قَائِمًا - Зайд турмаган, жумласида زَيْدٌ сўзи бош
келишида, قَائِمًا эса тушумда келган.

المشبهة بليس - ушбу لا ҳам لَيْسَ каби ўз исмини бош келишида,
хабарини тушумда ифодаланишини талаб қилади. Масалан

لا زَيْدٌ حَاضِرًا - Зайд бу ерда эмас (Зайд йўқ)

لا أَحْمَدُ طَالِبًا - Аҳмад талаба эмас.

Шуни унутмаслик керакки, لا нинг бу тури кўпликни эмас, бир
предметни инкор қилиш учун ишлатилади.

المشبهة بليس – "لا" маъносидаги бу юклама ҳақида турли фикрлар
мавжуд. Баъзи наҳвшунослар لا инкор маъносини англатувчи "لا" ва
муаннасликни англатувчи "تاء" дан таркиб топган, дейишса, бошқалари لا
ни نَقْصٌ - “эга бўлмаслик” (бирор нарсага), “йўқ”, маъносидаги ўтган замон
феъли, деб ҳисоблайдилар. Бу юклама ҳам "ليس" нинг вазифасини бажариб
келиши мумкин ва у ҳам мубтадони бош келишида, хабарни эса тушум
келишигида туришини талаб қилади. Масалан:

لاَتَ (هَذَا) حِينَ مَنَاصٍ - Қочиш вақти эмас.

لاَتَ سَاعَةً مَنَدَمَ - Афсусланиш вақти эмас.

Ушбу юкламани ишлатилишига эътибор берадиган бўлсак, у вақтга
ишора қиляпти ва гапнинг мубтадоси тушуб қолган. Чунки لاَتَ
юкламасининг ишлатилиш шарти шундай ва унга Мустафо Ғалайиний
шундай таъриф берган: "ليس" маъносидаги لاَتَ юкламасини ишлатиш учун
икки шарт мавжуд бўлиб, биринчиси, гапнинг мубтадо ва хабари ҳам
замонни англатувчи исмлардан иборат бўлиши керак. Иккинчиси эса لاَتَнинг
исми ёки хабаридан бири тушиб қолиши керак ва аксар ҳоллар бу унинг
исмига тўғри келади, яъни гапнинг мубтадоси тушиб қолади⁵¹.

الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. - بيروت، 1993. - ص. 252.⁵¹

إنّ" المشبهة بليس - маълумки, бу юклама аслида ўзидан кейин шарт майлидаги феълни талаб қилувчи юкламалардан бири бўлиб, исмий жумла таркибида ҳам келиши мумкин экан. Бунда у "ليس"нинг вазифасини бажариб келади, яъни исмий жумла мубтадосини бош келишиқда, хабарини эса тушумда ифодаланишини талаб қилади⁵². Масалан: إنّ هذا نفعك و ضارك - Бу сенинг фойданг ҳам, зараринг ҳам эмас.

إن و - Бош келишиқни ишлатилишини талаб қилувчи юкламалар сирасига - أخواتها - инна ва унга ўхшаш юкламалар ҳам киради ва улар Мустафо Ғалайинийнинг "جامع الدروس العربیة" асарида خبر الحرف المشبهة بالفعل феълга ўхшаш юкламалар кесими, деб номланган ва қуйидагича тадқиқ қилинган: الخُرُوفُ - Феълга ўхшаш юкламала сони олтига бўлиб, уларнинг таркибига لَعَلَّ، لَيْتَ، كَأَنَّ، لَكِنَّ، وَلَيْتَ، وَلَعَلَّ. إنَّ، أَنْ، كَأَنَّ، لَكِنَّ، لَيْتَ، لَعَلَّ кабилар киради. Бу юкламалар исмий жумла таркибида келганида гапнинг мубтадосини тушумда, хабарини эса бош келишиқда ифодаланишини талаб қилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос маънони англатади ва қуйидагича ишлатилади:

1. إنّ – тингловчи ё ўқувчи гапга ишонмаслиги мумкин, деб ҳисобланганда ишлатиладиган таъкид юкламаси⁵³. "дарҳақиқат", "ҳақиқатда", "чиндан ҳам" каби маъноларини билдиради. Кўпинча бу юклама ўзбек тилига таржима қилинмайди⁵⁴. Масалан:

إنّ محمودًا صديقى العزيز. Маҳмуд (чиндан ҳам) азиз дўстим. Бу мисолни таҳлил қиладиган бўлсак, юкламадан кейин келаётган эга, яъни мубтадо тушумда, хабар-от-кесим эса бош келишиқда ифодаланган. Қолган юкламалар ҳам худди إنّ каби исмий жумланинг хабарини бош келишиқда туришини талаб қилади.

2. أنّ – ...ки маъносини билдирувчи бу юклама шахси номаълум гапларда ёки тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда боғловчи вазифасини бажаради.

⁵² الشيخ مصطفى الغلايينى. جامع الدروس العربية. - بيروت، 1993. - ص. 253.

⁵³ Абдужабборов А. Араб тили. - Т.:ТИУ, 2015. - Б. 186.

⁵⁴ Иброҳимов Н., Юсупов М.. Араб тили. I Ж. - Наманган: Ибрат, 2009. - Б. 343.

Масалан: من المعلوم أنّ محمودًا شاب عاقل – Маълумки, Муҳаммад ақлли йигитдир ёки Муҳаммаднинг ақлли йигитлиги маълум.

3. إنّ – “gʻe, gʻeки,дек”, маъноларини англатувчи бу юклама ҳам юкламаси каби морфологик хусусиятга эга. Масалан:

كأنّ زينب ملك - Зайнаб фаришта кабидир.

كان أباك بطل - Гўё отанг қаҳрамондек.

3. لكن – “*бироқ, аммо, лекин*” маъноларини билдирувчи бу юклама зидловчи боғловчи вазифасида келади⁵⁵. Масалан: زيد شجاع، لكنه بخيل – Зайд шижоатли, лекин у бахилдир.

5. لعلّ – “*эҳтимол, шоядки*” маъноларини англатадиган бу юклама гумонни амалга ошишидан бўлиши ҳам мумкин бўлган тилакни билдиради. Масалан: لعل الصديق قادم – эҳтимол дўст келаётгандир.

6. ليت - кошки. Бу юклама амалга ошиши мумкин бўлмаган тилакни билдиради⁵⁶.

Мустафо Ғалайиний феълга ўхшаш юкламалар, деб номлаган ушбу юкламалар кўпроқ исмий жумла эгасига таъсир қилгани боис, рус ва ўзбек арабшунослари уларни “эгага таъсир қилувчи юкламалар”, деб номласалар, баъзи араб тилшунослари уларни “إن و أخواتها” деб номлаганлар⁵⁷.

Мустафо Ғалайиний ўзининг “جَامِعُ الدُّرُوسِ الْعَرَبِيَّةِ” номли асарида “لا” мутлоқ инкор юкламаси ҳам ўзидан кейин бош келишикдаги исмни келишини талаб қилишини айтиб ўтган ва уни “النافية للجنس” яъни “لا” мутлоқ инкор юкламасининг хабари” мавзусида ёритиб берган. Асарда берилишича, бу юкламадан кейин келаётган исм “أل” артиклисиз, фақат ноаниқ ҳолатда қўлланилади ва у гапнинг эгасини тушумда ифодаланишини талаб қилади. Жумланинг кесими эса бош келишикда туради. Масалан: لَا رَجُلٌ – Ҳовлида ҳеч ким йўқ. لا شيء دائم – Ҳеч нарса абадий эмас.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, لا инкор юкламаси бу ерда бир дона нарсани эмас, балки умуман инкорни англатиб келаяпти.

⁵⁵ Абдужабборов А. Араб тили. – Т.:ТИУ, 2015. – Б. 187.

⁵⁶ Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили. I Ж. – Наманган: Ибрат, 2009. – Б. 343.

⁵⁷ فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. – مصر. ص. 147.

Биринчи мисолни таҳлил қиладиган бўлсак, у ҳовлида бир шахсни йўқлигини эмас, балки, инсон зотидан ҳеч ким йўқлигига ишора қиляпти. Шунинг учун ҳам бу “لا” юкламасини араблар “туркумни инкор қилувчи “لا” юкламаси”, деб номлаганлар⁵⁸.

Агар инкор этилаётган исм бевосита “لا” юкламасидан кейин келмаса, у ҳолда бу исм бош келишида ифодаланади. لا في الدار رجال – Уйда одам (лар) йўқ.

Ушбу “لا” ни “ليس” маъносини ифодаловчи “لا” дан фарқлашимиз зарур ва буни қуйидаги мисоллар орали кўриб чиқамиз:

لا رجل مسافر

لا رجل مسافراً

Биринчи жумла لا النافذة للجنس “لا” га мисол бўла олади, чунки унда “لا” ўзининг исмини тушумда, хабарини эса бош келишида туришини талаб қиляпти, шунингдек, таржимада ҳам эҳтимоллик йўқ, яъни бирор киши (ҳеч ким) мусофир эмаслиги аниқ ҳолда баён этилган ва кўпчиликка нисбатан инкорни билдирган.

Иккинчи жумла эса, “ليس” нинг маъносини ифодаловчи “لا” га мисол бўлади, чунки бу ерда “لا” дан кейин келаётган эга бош келишида, кесим эса тушум келишигида ифодаланган. Шунингдек, гапнинг мазмунида эҳтимоллик мавжуд, яъни бир киши мусофир эмас, дея хабар берилаяпти, демак, иккита ёки бир неча киши мусофир эканда, деган фикр пайдо бўлади. Яна ушбу жумлада туркум инкор қилинмаяпти балки, биргина киши ҳақида гап бораяпти⁵⁹. Араб тилшунослари бу “لا” ни асосан Ҳижозликлар шевасига хослигини айтиб ўтишади.

Саййид Шариф Журжонийнинг “Наҳви Мир” асарида لا мутлоқ инкор юкламаси ҳақида яна шундай маълумотлар берилган: لا инкор юкламасидан кейин аниқ ҳолатдаги от келса ва ундан кейин яна لا юкламси аниқ ҳолатдаги бошқа бир от билан такрор келса, لا нинг таъсир кучи кетади ҳамда аниқ

⁵⁸ الشيخ مصطفى الغلايينى. جامع الدروس العربية. – بيروت، 1993. – ص. 280.

⁵⁹ الشيخ مصطفى الغلايينى. جامع الدروس العربية. – بيروت، 1993. – ص. 11. 281.

ҳолатдаги ҳар икки от ҳам бош келишиқда туради, масалан: لَا زَيْدٌ عِنْدِي، وَلَا عَمْرُو – Меникида на Зайд ва на Амр бор⁶⁰.

Мустафо Ғалайиний бошқа тилшунос олимлардан фарқли равишда бош келишиқда турган исмга тобе бўлган сўзларни ҳам алоҳида тадқиқ қилган ва уларни “التابع للمرفوع” мавзусида ёритиб ўтган. Аввал التابع терминини таҳлил қиладиган бўлсак, араб тилшунос олимлари тобе сўз бу “бошқаларнинг изидан боровчи, бошқаларга эргашувчи”, яъни тобедир ва уни яна “таваабиъу”, деб атайдилар ва улар гапда ўзидан олдин келаётган исмга эргашиб, унинг келишигига мос келишиқда келадиган исмлардир. Сўзларни у ёки бу келишиқда турланишини талаб қилувчи-бошқарувчини эса “амилун, авамилун- омил” деб айтадилар⁶¹.

Тобе сўзлар бир неча турларга бўлинади. Араб тилидаги баъзи манбаларда тобе сўзлар беш турга бўлиниб, булар: сифатловчи, таъкидловчи, ўринга-ўрин келувчи, баён қилувчи ва боғловчили тобе сўзлардир⁶²-, дея маълумот берилса, баъзиларида тобе сўзлар тўртта, деб маълумот берилган. Жумладан, Ҳамидуддин Даририйнинг “Даририй” асарида шундай маълумот келтирилган:

باب ما يتبع الاسم. اعلم أن ما يتبع الاسم في إعرابه أربعة أشياء وهي: النعت والتوكيد والعطف والبدل. إن كان الاسم الأول رفعًا هورفع وإن كان الاسم نصبًا فهو نصب وإن كان الاسم خفضًا فهو خفض.

Маълумки, исмга келишиқда тобе бўлганлар тўрттадир ва улар: ан-наът(сифат, яъни мослашган аниқловчи), ат-тавқид (таъкидловчи изоҳловчи), ал-атф (боғловчилар билан боғланган сўзлар, яъни уюшиқ бўлақлар) ва ал-бадал (изоҳловчи)дир. Агар биринчи келган сўз бош келишиқда бўлса, тобе сўз бош, тушум келишигида бўлса тушум, қаратқич келишигида бўлса у ҳам қаратқичда бўлади⁶³.

Тобе сўзларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, Мустафо Ғалайинийнинг “جَامِعُ الدُّرُوسِ الْعَرَبِيَّةِ” номли асарида улар ан-наът,

⁶⁰ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.39.

⁶¹ 11-Ж. 177. ص. – بيروت، 1993. – جامع الدروس العربية. – الشيخ مصطفى الغلاييني.

⁶² Қаранг: Маҳмуд Замаҳшарий. Ал-муфассал фи-н-наҳв; Ибн Ҳишом. Қатрун-нада ва баллус-сада.

⁶³ Қосимова С.С. Классик араб наҳвидан бошланғич маълумотлар. –Т.:ТДШИ, 2011. –Б.41.

яъни мослашган аниқловчи таҳлили билан бошланган. **النَّعْتِ** - ан-наът яна **الصِّفَةُ** – сифат, деб ҳам номланиб ўзи тобе бўлган исмдан кейин келиб, унинг баъзи ҳолатига ёки унга тааллуқли нарсаларга таъриф беради. Масалан: **جَاءَنِي رَجُلٌ** – Менакига олими киши келди. **أَوْ أَبُوهُ** - Меникига олими киши келди. **عَالِمٌ** - Меникига олими киши келди.

Биринчи мисолда аниқловчи ўзи аниқлаб келаётган аниқланмишнинг ўзига таъриф бериб келаётган бўлса, иккинчи мисолда аниқланмишнинг ўзини эмас, унга алоқадор бўлган **عَلَامَةٌ** – “қули” ёки **أَبُوهُ** - “отаси” сўзини аниқлаб келмоқда ва ҳар икки жумлада ҳам ҳоким сўз бош келишида бўлгани боис тобе сўзлар ҳам бош келишида ифодаланган.

Тобе сўзларнинг иккинчиси **التوكيد** - тавкид бўлиб, у ўзи мослашган сўзнинг маъносини кучайтирувчи ва таъкидловчи изоҳловчидир. У ўзи изоҳлаётган сўз билан келишида мослашган ҳолда, ўша сўзга мос бирикма олмош олади⁶⁴. Таъкидловчи изоҳловчи вазифасида келадиган сўзлар куйидагилардир: **نفس , عين , ذات , كل , جميع , كلا , كلتا**

Масалан: **جَاءَنِي زَيْدٌ نَفْسُهُ** - Ҳузуримга Зайднинг ўзи келди. Жумлада Зайд сўзи бош келишида келгани учун “**نفس**” сўзи ҳам бош келишидадир.

Тобелардан кейингиси **البدل** деб номланади. Бадал ўринга-ўрин келувчи сўзларнинг қўлланилиши билан ҳосил қилинади, у ўринга-ўрин келувчи тобе сўзлардир. Араб тилидаги тобе сўзларнинг бу тури она тилимиз-ўзбек тилидаги изоҳловчининг ўзига мос келади. Бундай изоҳловчи изоҳланмишдаги маънони тўлалигича ёки қисман ўз ичига олади. Бу изоҳловчи изоҳланмишдан кейин келади ва унга мос бўлган бирикма олмошни ўзига қабул қилади ҳамда изоҳланмиш билан бир хил келишида келади⁶⁵. Масалан: **يُعْجِبُنِي مَحْمُودٌ عِلْمُهُ** - Менга Маҳмуднинг билими ёқади (сўзма-сўз: Менга Маҳмуд, унинг билими ёқади).

Тобеъ сўзларнинг тўртинчиси “ал-атф би-л-хуруф”, яъни боғловчи ёрдамида ҳосил бўлган боғловчи изоҳловчи, деб номланади. Бунда тобеъ сўз

⁶⁴ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. – بيروت، 1993. – ص. 185. 11-Ж.

⁶⁵ Ўша асар. –Б. 188.

хоким сўз билан боғловчилар ёрдамида боғланади⁶⁶. Масалан: **جَاءَنِي زَيْدٌ وَعَمْرُو** - Меникига Зайд ва Амр келдилар.

Мисолдан ҳам кўришиб турибдики, унда гапнинг уюшиқ бўлаклари ҳақида сўз бораяпти ва ҳар бир бўлак боғловчи, аниқроғи “вов” боғловчиси ёрдамида боғланаяти. Демак, араб тилида ўзбек тилидан фракли равишда уюшиқ бўлаклари тобеъ бўлак ҳисобланар экан.

Тобеъ сўзларнинг бешинчиси “атфу-л-байан, яъни аниқловчили боғловчи- изоҳловчи” деб номланади. У сифат эмас. Аниқловчили боғловчи- изоҳловчи ўзи изоҳлаб келаётган исмнинг маъносини такроран ифодалаш билан бирга, уни янада аниқлаб, чегаралаб келади⁶⁷, масалан: **أَفْسَمَ بِاللَّهِ أَبُو حَفْصٍ** - Аллоҳ номи билан Абу Ҳафс Умар қасам ичди. **جَاءَنِي زَيْدٌ أَبُو عَمْرٍو** - Меникига Зайд, Амрнинг отаси келди.

Демак, Мустафо Ғалайиний ҳам агар бош келишиқда турган исм ўзи билан бирор тобе сўзни олса, бу сўз албатта бош келишиқда ифолалангани учун уларни алоҳида ёритиб ўтган. Аммо шу ўринда бош келишиқда турган исмга тобе бўлган сўзлар олимнинг “**جَامِعُ الدُّرُوسِ الْعَرَبِيَّةِ**” номли асарида “Бош келишиқнинг ишлатилиш ўрни” мавзусида эмас, балки “Тавобеълар ва уларнинг эъроби” мавзусида ёритиб ўтилган.

⁶⁶ الشیخ مصطفى الغلايينی. جامع الدروس العربية. - بیروت، 1993. - ص 11. 194. 11.Ж.

⁶⁷ الشیخ مصطفى الغلايينی. جامع الدروس العربية. - بیروت، 1993. - ص 11. 191. 11.Ж.

ХУЛОСА

Араб тили грамматикасида бош келишик “ар-рафъ” деб номланиб, бу келишикда ифодаланган исмлар “марфуъату-л-асмаъи” дея ишлатилади. Бош келишик сермахсул келишиклардан бири бўлиб, кўпгина тилшунослар уни тадқиқ қилишига ҳаракат қилганлар. Мана шундай олимлардан бири бу Мустафо Ғалайиний бўлиб, унинг “جامع الدروس العربية” номли грамматик асарида мавзу бошқа манбалардан кўра кенг ёритиб ўтилган. Шу сабабдан тадқиқотда мана шу асар асосий манба сифатида олинди. Шунингдек, мавзунини тадқиқ қилишда яна бошқа машҳур тилшуносларнинг асарларига ҳам мурожаат қилиниб, улар қиёсий ўрганилди ва шундай хулосаларга келинди:

1. Араб тили грамматикасида ўзбек тилидаги каби турланиш ва тусланиш ҳодисасини ифодаловчи алоҳида термин мавжуд эмас. “рафъ”, “насб”, “жарр” ҳолатлари деганда она тилимиздаги келишиклар, тўғрироғи бош, тушум ва қаратқич келишиклар назарда тутиляпти. Демак бу бизга маълум турланишга тўғри келади. Феълларнинг раф, насб, жазм ҳолатлари деганда эса, феълларни майлларда ўзгариши, яъни она тилимиздаги тусланиш ҳодисаси ҳақида сўз бораяпти. Феълларнинг рафъ ҳолати она тилимиздаги хабар майлига, насб ҳолати истак майлига ва ниҳоят жазм ҳолати шарт майлига тўғри келади.

2. Рафъ ҳолатидаги, яъни бош келишикдаги исмлар икки турга бўлинади, булар асл ва аслига ўхшаш бош келишиги. Асл бош келишикдаги исм бу феълий жумла эгаси, яъни фoъилдир. Чунки фoъил келишигига ҳеч қандай омил ўз таъсирини ўтказа олмайди. Шунинг учун ҳам у доимо бош келишикда туради. Шунингдек, асл бош келишикдаги исмга ноъибу-л-фoъил, яъни кесими мажҳул нисбатдаги феъл билан ифодаланган жумладаги эганинг ўрнига ишлатилувчи воситасиз тўлдирувчи ҳам киради.

3. Аслига ўхшаш бош келишикдаги исмлар борасида тилшунослар турли фикрларни билдирадилар. Маҳмуд Замахшарий, Ҳифни Носиф, Фуъад Неъмат ва бошқа айрим тилшунос олимлар уларнинг сонини олтита десалар,

Мустафо Ғалайиний ўзининг “جامع الدروس العربية” номли асарида уларнинг сонини тўққизта, деб ҳар бирига алоҳида, батафсил маълумот бериб ўтган ва улар қуйидагилардир: мубтадо, хабар, كان و أخواتها - “Бўлмоқ” ва “айланмоқ” феъллари гуруҳига кирувчи феъллардан кейин келадиган эга, “لَيْسَ” маъносида ишлатиладиган юкламалар исми (мубтадоси), خبر الحرف المشبهة بالفعل, феълга ўхшаш юкламалар кесими, النافية للجنس, خبر “لا” яъни “لا” мутлоқ инкор юкламасининг хабари, бош келишикда турган исмга тобе сўзлар.

4. Умуман олганда бош келишик исмни ҳеч нарсага тобе эмаслигини ифодалайди. Бу келишикда ифодаланган сўз ҳеч қандай омил таъсирига учрамайди, шунинг учун ҳам бош келишикдир. Агар бош келишикда турган сўз бирор юклама, кўмакчи таъсирига учраса, ўз келишигини ўзгартиради ва у энди бош келишикда ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам бош келишик исмни ҳеч қандай омил таъсирига учрамаганлигидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари рўйхати

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 160 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.-174 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишлаган маросимда сўзлаган нутқи.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

Ўзбек тилидаги манбалар

7. Абдужабборов А. Араб тили. –Т.:Тошкент ислом университети, 2007. -307 б.
8. Абдурахмонов Х., Рафиев А., Шодмонкулов Д. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992. – 253 б.
9. Анданиёзова Д.Р., Анданиёзова Г.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Муҳаррир, 2012. -367 б.
10. Бегматова Б.М. Араб тили (филология йўналиши 2-3- курс талабалари учун). –Т.: ТошДШИ, 2013. – 164.
11. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. I Ж. – Наманган: Ибрат, 2009. – 584 б.
12. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. II Ж. – Наманган: Ибрат, 2009. – 563 б.
13. Носирова М. А. Ўрта аср араб наҳвидан намуналар. –Т.: ТДШИ, 2005. -186б.

14. Носирова М.А., Турдиалиев Б. Араб тилида эга ва кесим категорияси. –Т.: ТошДШИ, 2007. – 116 б.
- 15.
16. Талабов Э. Араб тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. – 406 б.
17. Ҳикматов А. Ад-дурусун-наҳвия (қиёсий таржима матни). –Т.: Мовароуннаҳр, 2006. -198 б.
18. Қаҳҳоров А., Носирова М. Гап синтаксиси (Араб тилшунослари талқинида). –Т.: ТИУ, 2013. -163 б.
19. Қосимова С.С. Классик араб наҳвидан бошланғич маълумотлар. –Т.: ТошДШИ, 2011. -88 б.
20. Қосимова С.С. Ҳамидуддин Даририйнинг “Муқаддима” асари: матн ва тадқиқ. –Т.: ТошДШИ, 2014.- 151 б.

Рус тилидаги манбалар

21. Алимжанова З. Н. Арабская лексикология. –Т.: ТашГИВ, 2011. - 112с.
22. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. -М.: Русский язык, 1977. - 942с.
23. Белкин В.М. Арабская лексикология. -М.: Моск. Унв. 1961. -200 с.
24. Габучан Г.М. Вопросы теории современного арабского языка – Leipzig, 1988
25. Гиргас В. Очеркъ грамматической системы арабовъ. -СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1873. -203 с.
26. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно - историческом освещении. -М.: “Восточная литература” РАН, 1998. – 592 с.
27. Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. - М.:Вост.лит. РАН, 1998. -752 с.
28. Кузмин С.А. Учебник арабского языка. –М.: Восточная литература, 2003. - 385 с.
29. Мамедов А. Учебник арабского языка. -Баку.:Маариф,1984.-313 с.

30. Мишкуров Э.Н., Рауфова А.Г. Морфологический строй современного арабского языка. –Т.: ТашГИВ, 1992. -114б.
31. Умарри Мухаммед Салих. Синтаксис арабского языка. –Казань, 2009. - 204 с.
32. Халидов Б.З. Учебник арабского языка. -Т.: Ўқитувчи, 1977. -654 с.
33. Шагаль В.Э. Учебник арабского языка. -М.: Политиздат, 1981. - 786с.
34. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. М.: Наука, 1985. - 172с.

Араб тилдаги манбалар

1. أنطوان الدحدح. معجم قواعد العربية العالمية. لبنان، 1992. ص. 249.
2. الشيخ مصطفى الغلاييني، جامع الدروس العربية، بيروت، 1993.
3. القرآن الكريم. مدينة العبور. 2001.
4. فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. القاهرة. نهضة مصر. 1973. ص. 214
5. محمود الزمخشري. الانموذج في النحو. مصر. 1323 هـ/1987م. ص. 408
6. حفنى ناصف. محمد دياب. مصطفى طوم. محمد صالح. الدروس النحوية. دار العقيد. مصر، 2007.
7. عباس حسن. النحو الوافى. الجزء الرابع. القاهرة، دار المعارف. 1967. ج 1-4. ص. 712.
8. القاموس الجديد. تونس - الجزائر. 1985. ص. 1505.
9. الدكتور حسنى عبد الجليل يوسف. شرح الأنموذج في النحو للعلامة الزمخشري بشرح الأردبيلي جمال الدين بن عبد الغنى. مكتبة الآداب. القاهرة. 1990. ص. 231.

Интернет сайтлари

- 1.www.arabica.orientalstudies.ru.
- 2.www.arablit.narod.ru.
- 3.www.Albayan.co.
- 4.www.krugosvet.ru.

5.www.russionplanet.ru.

6.www.orient.pu.ru.

7.www.onyx.ru.

8.www.biblio-globus.ru.

9.www.feb-web.ru.